

МУВАФФАҚИЯТЛИ ИЖРО ЭТИЛГАН ДАСТУР.
КАВФСИЗЛИК ТАЛАБИГА ЖАВОБ БЕРОЛМАЁТГАН ҚУРИЛМАЛАР ВА
17 МИНГ ДАН Ортиқ Ноқонуний ТАРЗДА ОЧИЛГАН ЭШИК
 ВА ДЕРАЗАЛАР ҲАҚИДА **3**



Эҳтиёт бўлайлик,
 ҳар қадамимизда
АЖАЛ НАФАСИНИ
 ҲИС ЭТЯПМИЗ **5**



МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА ТАЯНГАН ТАРАҚҚИЁТ!

milliy

«МИЛЛИЙ ТИВАНТИШ»
 ДИМОКРАТИК
 ПАРТИЯСИНИНГ
 ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ
 ТАҲРИСИ




1995 йил 10 июндан чиқа бошлаган

www.mf.uz / milliytiklanish2022@umail.uz

tiklanish

№ 3 (1152) 2022 йил
 27 январь, пайшанба



ISSN 2010-2114

ХАЛҚ ТАЛАБИ - ҲАЁТ ТАЛАБИ



ёки Янги Ўзбекистон
 танлаган йўлнинг асл
 моҳиятига бағишланган
 йиғилишдан кейинги
 мулоқазалар

Тараққиёт стратегиясида
 7 та устувор йўналишда

«ИНСОН ҚАДР УЧУН – 100 ТА МАҚСАД»

белгилаб олинган, ушбу мақсадлар
 учун эса умумий қиймати

55 ТРИЛЛИОН СЎМ ВА 11,7 МИЛЛИАРД

ДОЛЛАРЛИК 398 ТА ЧОРА-ТАДБИРЛАР

амалга ошириш режалаштирилган

Тарих гувоҳ: XX асрнинг охири
 ва XXI аср бошларида одамзод
 юксак тараққиётга эришди. Шунинг
 баробарида ҳаловатсизлик кўчасидан
 чиқмай қолди, шиддатли, кутилган ва
 кутилмаган тортиқлар инсониятни турли
 муаммоларга рубару қилди.
 Айниқса, манфаатлар тўқнашuvi
 натижасида юзага келаётган ихтилоф
 ва зиддиятлар машҳур давлат
 арбобларидан бирининг «Дунёда
 Американинг дўсти ҳам, душмани ҳам
 йўқ, фақат унинг манфаати бор, холос»,
 деган оммабоп иборасини эслатапти.
 Ҳа, чиндан ҳам нихоятда нозик сиёсий

муносабатлар асосига қурилаётган
 янги дунёнинг ҳар қандай қаҳриқлари
 бугун ҳар биримизни ўйлантириши ва
 ҳаёт реалликларидан тўғри хулосалар
 чиқаришга ундаши табиий.
 Миллат етакчиси – Президентимиз
 Шавкат Мирзиёевнинг давлат ва
 жамиятимиз ҳаётининг барча соҳалари
 қамраб олинган видеоселектор
 йиғилишидаги мулоқазаларини, «2022
 йил – Инсон қадрини улуғлаш ва фаол
 маҳалла йили»да амалга оширилиши
 режалаштирилаётган устувор йўналишлар
 ҳақидаги фикрларини эшитиб, юқоридаги
 фикрлар ҳаёлимдан ўтди.

Шу ўринда Давлатимиз раҳбарининг
 «Барчангизга маълумки, ҳозирги
 кунда мамлакатимиз ҳаётида ғоят
 муҳим давр бошланмоқда. Бу – янги
 тараққиёт ва миллий юксалиш
 давридир», деган гапларидан,
 энг аввало, ҳукуватимиз, барча
 давлат ва нодавлат ташкилотлари,
 айниқса, ислохотларнинг етакчи
 кучига айланиши керак бўлган миллий
 парламентимиз ва, албатта, сиёсий
 партиялар ўзлари учун жиддий
 хулосалар чиқаришлари лозим бўлади.

(Давоми 2 бетда)

3
МАНСАБДОР
ШАХСЛАРНИНГ
Кўпчилиги
МУЛКЛАРГА ОИД
МАЪЛУМОТЛАРНИ
ЯШИРГАН



4
КИБЕРТАҲДИДЛАР
БУГУННИНГ МАСАЛАСИ,
ЭРТАНИНГ ЭМАС!

кибержиноятчилик
 бир йилда дунё
 иқтисодиётига ўртача
 26 миллиард АҚШ
 доллари миқдорида
 зарар етказмоқда.

6
ПРЕЗИДЕНТ ҲАМ
КЕЧИКИШИ МУМКИН

...ҳатто унинг
 набираларидан
 бири – Наоми яқинда
 ўз твиттерда
 бобосининг
 бош кўмондон
 кўнғироқларини
 ўтказиб юборганини
 эзган.

8
«ЖОНДАН КЕЧИБ
БЎЛСА-ДА, ОБРЎЙИНГНИ
САҚЛА...»

Ҳўш, унинг
 оёқларининг
 бармоқлари
 кесиладими? Бу унинг
 обрўси қанчалик
 мустаҳкамлигига
 боғлиқ бўлиб қолган
 эди.



6

АМИР ТЕМУР АСОС СОЛГАН,
 АММО МУСТАБИД ТУЗУМ ДАВРИДА
ОМБОРХОНАГА
 АЙЛАНТИРИЛГАН МАЖМУА ҲАҚИДА

НИҲОЯТ ОҚИЛОНА ЕЧИМ ТОПИЛДИ. ЭНДИ...

Бугунги кунни ёшларимиз ҳаётида янги бир даврнинг
 бошланиши, ёшларга доир давлат сиёсатини амалга
 оширишнинг туб бурилиш палласи, дейиш мумкин.



4

«OMICRON»ДАН

ҳам хавфлироқ мутация
 пайдо бўлиши мумкин

Пандемиянинг қачон тугаши
 ҳақида олдиндан аниқ гап
 айтиш қийин. Фақат тахмин ва
 башоратлар бор, холос.

5

«АСАРЛАР ЗЎРМИ-
 ЗЎРМАСМИ,

деявериб чарчадик, адабиёт
 нима бўлса ҳам яшамоқда»

7



ISSN 2010-2114

ХАЛҚ ТАЛАБИ — ҲАЁТ ТАЛАБИ

ёки Янги Ўзбекистон танлаган йўлнинг асл моҳиятига бағишланган йиғилишдан кейинги мулоҳазалар

Бошланиши 1-бетда

Тўғри, жамиятимизда сиёсий партияларнинг нуфузи ва мавқеи кутилган даражада эмас, дегувчилар оз эмас. Аммо 2 миллиондан зиёд фуқаролар бошини қовуштириб турган партиялар қонун чиқарувчи сиёсий куч эканини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Бундан ташқари, парламентнинг ҳар иккала палатаси ва маҳаллий Кенгашларда иш олиб бораётган депутатлар ҳам у ёки бу сиёсий кучга мансуб эканини таъкидлаш жоиз.

Юртбошимиз йиғилишда яна бир бор инсон қадрини, қиммати, унинг ҳуқуқ ва манфаатлари масаласига тўхталиб, «Инсон қадрини биз учун қандайдир, баландпарвоз тушунча эмас»лигига ургу бердилар. Бундай юқори «нота»даги ургуни эса биринчи навбатда минг-минглаб сайловчилар ишончини қозониб, сўнгра депутатлик мандатини кўлга киритган ҲАЗРАТИ ДЕПУТАТЛАР корпуси ўзларига қаратилганини тезроқ тушунсалар фойдадан холи бўлмасди.

Президент нутқида янграган мулоҳазаларни қайта-қайта ўқирканман. Тараққиёт стратегиясидаги 7 та устувор йўналишда «Инсон қадрини учун — 100 та мақсад» белгилаб олингани, ушбу мақсадлар учун эса умумий қиймати 55 триллион сўм ва 11,7 миллиард долларлик 398 та чора-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилгани ҳақидаги фикрлар эътиборимни тортиди. Бундай кенг қўламли ишлар нафақат Янги Ўзбекистон, балким юртимизнинг ўтган 30 йиллик мустақиллик йилларида кузатилмаганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шу ўринда миллатимиз етакчиси томонидан халқимизнинг бундай кенг қўламли ўзгаришларга жуда катта ишонч билан қараб, уларнинг тезроқ самарасини кўришни истаётганига бежиз ургу берилмади, деб ўйлайман. Чунки кейинги йилларда эришилган муваффақиятлар билан бирга ҳаётини муаммолар тилга олинганида, энг кўп қайд этилган иллат сифатида коррупция балоси, давлат маблағларини талон-торож қилиш каби жиноятлар тилимида бот-бот такрорланадиган сўзлар қаторига кириб қолди. Бу гапдан эса бутун жамият аъзолари, айниқса, тўртинчи ҳокимият саналган миллий матбуотимиз, жиноятлар содир бўлганида эмас, балки уларнинг энди-энди «тонги» отаётганида аниқлайдиган институтларимиз ҳулоса чиқаришлари лозим бўлади. Йиғилишда маҳалла институтларида самарали фойдаланишдан тортиб, Давлат дастури лойиҳаси юзасидан билдирилган 17 мингдан зиёд таклифларга тилга олинди. Улар жамланиб, дастур 300 дан ортқ янги ташаббуслар билан тўлдирилгани айтилди. Йиғилишда айрим давлат ва



нодавлат ташкилотлар учун унчалар муҳим саналмаган автомактаблардаги қинғирликларга муносабат билдирилиб, ҳайдовчиликка ўқитиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича

зарур. Барча ҳудудларда давлат ва хусусий боғчаларни кўпайтириш орқали эса мактабгача таълимнинг қамров даражасини 67 фоиздан 80 фоизга етказиш, келгуси беш йилда камида

умумбашарий гоёларга асосланган кучли маънавиятга таянамиз, дедилар. Маънавият — жамиятдаги барча сиёсий-ижтимоий муносабатларнинг мазмуни ва сифатини белгилайдиган пойдевордир.

— Бу пойдевор қанча мустаҳкам бўлса, халқимиз ҳам, давлатимиз ҳам шунча кучли бўлади. Фақатгина мана шундай заминга таянган ҳолда биз юртимизда Учинчи Ренессанс асосларини барпо эта оламиз. Ана шундай фикрлар асносида мутасаддиларга бу муҳим йўналишдаги вазифаларни амалга ошириш учун маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш, радикализм, экстремизм ва терроризмга, мафруравий хуружларга қарши миллий гоё асосида биргаликда курашиш бўйича таълим муассасалари ва маҳаллаларда янги тизим яратиш вазифаси юклатилди.

— Таъкидлаб айтмоқчиман: агар кимки маънавият масаласи — бу фақат Маънавият ва маърифат маркази ёки тегишли вазирлик ва идораларнинг иши деб ўйласа, хато қилади. Бу — давлатимиз ва жамиятимиз, ҳамма

раҳбарлар, зиёлилар, барча-барчамизнинг энг асосий ва муҳим вазифамизга айланиши шарт, — деди давлатимиз раҳбари.

Видеоселектор йиғилишида Давлатимиз раҳбари томонидан билдирилган ҳар бир мулоҳаза замирида 35 миллионли халқимизнинг орзу-умидлари мужассам эканини, Юртбошимизнинг ҳар бир муаммога оғриқли муносабати эса Янги Ўзбекистоннинг эзгу мақсадлар йўлидаги интилишлари аниқ режа ва стратегиялар асосига қурилганлигидан далолатдир.

Шу ўринда «ҳар қандай ислоҳот моддий асосга эга бўлгандагина ҳаётга кучади», деган гапни эслаш ўринли бўлган йиғилишда ана шу асос, яъни миллий иқтисодий тизимда жадал кечаётган ўзгаришларга алоҳида ургу берилди. Таъкидланишича, яъни ички маҳсулотни 100 миллиард доллардан ошириб, 1,4 баробарга кўпайтириш ва камбағаллик даражасини 2 баробарга қисқартириш, жорий йилнинг ўзидагина инфляция даражасини 9 фоиздан оширмастик, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган дастурлар доирасида 10 триллион

сўм миқдоридagi банк кредитларини «маҳаллабай» кафолатли берилишини таъминлаш, яқин беш йилда иқтисодийга 120 миллиард доллар, шу жумладан, 70 миллиард доллар миқдоридa хорижий инвестициялар жалб этиш ва экспорт ҳажминини 30 миллиард доллардан ошириш кўзда тутилмоқда. Албатта, бундай кенг қўламли режалар ўз-ўзидан амалга ошмайди. Бунинг учун етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган аҳоли ана шу эзгу мақсад сари интилиши, ислоҳотлар йўлида тўғаноқ бўлаётган муаммоларни енгиш учун бир тану бир жон бўлиб бирлашиши керак. Зеро, бундан беш йил аввал Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаларида Буюк Имом Бухорийнинг «Ал-Жомийъ ас-саҳиҳ» асари «Барча эзгу амаллар ниятга билан бошланганини эсга олган эдилар. Назаримда кечаги йиғилишдан кейин яна бир марта ана шу ҳадисни эслаш ўринлидек туюлди.

Миродил
АБДУРАҲМОНОВ

Давлатимиз раҳбари томонидан билдирилган ҳар бир мулоҳаза замирида 35 миллионли халқимизнинг орзу-умидлари мужассам эканини, Юртбошимизнинг ҳар бир муаммога оғриқли муносабати эса Янги Ўзбекистоннинг эзгу мақсадлар йўлидаги интилишлари аниқ режа ва стратегиялар асосига қурилганлигидан далолатдир.

мутасаддиларга аниқ топшириқлар берилди. Афсуски, жамиятимизда ҳали-ҳануз Давлат раҳбари томонидан бирон-бир муаммога муносабат билдирилмагунча сукут сақлаш, бир сўз билан айтганда, «томошабинлик позициясида» туришдек иллат барҳам топмайпти. Бу иллат барча соҳа ва тизимларда ўз кучини кўрсатаяпти, бундай одат билан эса аксарият ўрта бўғин раҳбарлари ўз хотиржамликларини асраб-авайлаб келмоқдалар, десак хато бўлмайди. Давлатимиз раҳбари энг долзарб ва ҳаётини масалалар муҳокама этилган мажлисда яна бир — таъбир жоиз бўлса, эртанимиз тақдири билан чамбарчас боғлиқ бўлган муҳим масалада жиддий ҳулосалар чиқарилганини эълон қилдилар. Бу таълим ва тарбия соҳасидир. — Барча оруз-ният ва интилишларимиз, машаққатли меҳнатимиз, кечани-кеча, кундузни-кундуз демасдан амалга ошираётган саъй-ҳаракатларимиз — ҳамма-ҳаммаси бизга катта умид ва ишонч билан боқиб турган халқимиз учундир, — деди Президентимиз. — Бу борада ижтимоий йўналишдаги ислоҳотларимиз алоҳида аҳамиятга эга. Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларининг асосий вазифаси — мактаб таълими сифатини ошириш, келгуси беш йилда мактабларда кўшимча 1,2 миллион ўқувчи ўрни яратиш ҳамда дарсликларни янгилашдан иборат бўлади. Бу борада жорий йилда дарсликларни янгилашга ажратилаётган 600 миллиард сўмдан самарали фойдаланиш

10 та олийгоҳнинг нуфузли халқаро рейтингларга киришини таъминлаш, хусусий шериклик асосида 100 минг ўринли талабалар турар жойларини барпо этиш вазифаси шулар жумласидандир. Президентимиз ушбу мавзунинг давом эттирар эканлар, Янги Ўзбекистонни барпо этишда иккита мустаҳкам устунга, яъни бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодий ҳамда аждодларимизнинг бой мероси, миллий ва

Янги даргоҳ

Туркиянинг «Соғлиқ билимлари университети» филиали очилади

Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Сирдарё вилоятидаги 6 та тиббиёт муассасасини ўз ичига олган «Гулистон тиббиёт кластери» 2022 йил сўнгига қадар тўла қувватда иш бошлайди.

Ушбу кластерга хорижий давлатларнинг энг илғор клиникалари ҳамкор сифатида жалб қилинади ва мураккаб, юқори технологик жарроҳлик амалиётларини ўтказиш йўлга қўйилади.

Шунингдек, мамлакатимизда илк бор ташкил этилаётган ушбу кластер ва бошқа тиббиёт муассасаларини замонавий кадрлар билан таъминлаш мақсадида Гулистон тиббиёт коллежи негизда Туркиянинг «Соғлиқ билимлари университети» филиали ташкил этилади.

Филиалга қабул қилинган талабалар 3 йил Ўзбекистонда, 3 йил Туркияда таълим олади. 30 фоиз талабага грант асосида ўқиш тақдим этилади. Ўқитиш ишлари кундузги таълим шаклида, давлат ва инглиз тилларида амалга оширилади.

Туркиянинг «Соғлиқ билимлари университети» делегацияси аъзолари Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Амирилло Иноятов ҳамроҳлигида Сирдарё вилоятининг

Гулистон шаҳрига ташриф буюрди.

Дастлаб, улар Гулистон тиббиёт коллежида бўлиб, коллеж ўқув биносини кўздан кечирди. Шундан сўнг «Соғлиқ билимлари университети» филиалини амалиёт базаси бўлиши кутилаётган, «Гулистон тиббиёт кластери», унинг таркибига қўшилаётган Республика шошилинч тез тиббий ёрдам илмий марказ Сирдарё филиали ҳамда Гулистон шаҳридаги вилоят Перинатал марказини кўздан кечирди.

Туркиялик нуфузли меҳмонларга мазкур тиббиёт муассасалари имконияти, аҳоли саломатлигини сақлаш, уларга намунали тиббий хизмат кўрсатиш бўйича Сирдарёда амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ахборот берилди.

Шундан сўнг, Туркиялик меҳмонлар Сирдарё вилояти ҳокими Ғофуржон Мирзаев билан учрашиб, келгусида амалга оширилиши кўзда тутилган ишлар, университет филиалини очиш, уни ишга тушириш бўйича фикр алмашди.

Маълумот ўрнида, Туркиянинг «Соғлиқ билимлари университети» филиалини очиш, уни Сирдарёда ишга тушириш масаласи «Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган



тараққиёт стратегиясини 2022 йилда амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси»да белгиланган. Мазкур университет Туркияда тиббиёт йўналиши бўйича нуфузли давлат олий таълим муассасаси ҳисобланади. Айни вақтда бу олий даргоҳда 13 та факультет, 5 та институт, 6 та профессионал тиббиёт мактаби, 35 га яқин илмий марказ, 58 та шифохона мавжуд.

Ш.СУЯРОВ, Ўза



5 | Эҳтиёт бўлайлик, ҳар қадамимизда ажал нафасини ҳис этяпмиз

6 | Амир Темур асос солган, аммо мустабид тузум даврида омборхонага айланган мажмуа ҳақида

МУВАФФАҚИЯТЛИ ИЖРО

Этилган дастур, хавфсизлик талабига жавоб беролмаётган қурилмалар ва

17

мингдан ортиқ ноқонуний тарзда очилган эшик ва деразалар ҳақида



«Миллий тикланиш» демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилишида 2021 йил – «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили» Давлат дастурининг ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, 2021 йилда мактабгача таълим қамрови 6,1 фоизга оширилди, миллий ўқув дастури ишлаб чиқилди ва «Узлуксиз касбий ривожланиш» электрон платформаси ишга туширилди. Бу жараёнда 150 минг нафарга яқин ўқитувчининг малакаси оширилди. Натижада олий ва биринчи тоифали ўқитувчилар улуши 16,6 фоиздан 22,3 фоизга кўтарилди. Мактаб битирувчиларининг олийгоҳларга кириши эса 2020 йилга нисбатан 1,7 бараварга ошди ёки 51 минг нафарга етди. Битирувчилари олийгоҳларга кирмаган «қизил» мактаблар сони эса 692 тадан 88 тага камайди.

2021 йилда 25 та янги олий таълим муассасалари фаолияти йўлга қўйилиб, давлатга қарашли олий таълим муассасалари сони 106 тага етди. Ёшларнинг олий таълимга қамрови 9 фоиздан 28 фоизга оширилди. «Эл-юрт умиди» жамғармаси, грант дастурлари доирасида 1345 нафар профессор-ўқитувчилар хорижий олий таълим ҳамда малака оширишга юборилди. Уларнинг 579 нафари Европа, 172 нафари Америка, 82 нафари Осиё ва 512 нафари МДҲ мамлакатларида малака оширилди.

Депутатларнинг фикрича,

коронавирус пандемияси хавфига қарамай, Давлат дастури муваффақиятли ижро қилинган.

Фракция йиғилишида Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодекс лойиҳаси ҳам қизғин муҳокама қилинди.

– Амалдаги кодекс 1994 йили қабул қилинган бўлиб, ўтган йиллар давомида унга 164 маротаба ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган, – деди фракция аъзоси Шерзод Тўхташев. – Шунинг учун ҳам Кодексдан маънан эскирган, мисол учун автомат телефонларга шикаст-етказганлик каби ҳуқуқбузарликлар чиқариб ташланмоқда. Ваҳоланки, бундай телефонлардан фойдаланмаётганимизга 15 йил бўлди. Умуман, кодексдан маънан эскирган, фуқаролик ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган 33 та маъмурий ҳуқуқбузарлик билан боғлиқ нормалар чиқарилаётган бўлса, бугунги эҳтиёждан келиб чиқиб, янги турдаги 12 та ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик белгиланмоқда.

Депутатлар бугун глобал муаммага айланган киберхавфсизлик билан боғлиқ қонун лойиҳасини ҳам атрофлича кўриб чиқдилар.

– Ушбу қонун лойиҳаси бугун жуда ҳам долзарб ва жа-

моатчилигимизга унинг нима учун қабул қилинаётгани ва мазмун-моҳиятини тушунтириб беришимиз керак, – деди фракция раҳбари Алишер Қодиров.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Чунки давлат тараққиётини замонавий технологияларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бугун барча давлат ва нодавлат ташкилотлар халқаро интернет тармоғи орқали бир-бирига уланган. Аммо уларнинг ҳаммаси ҳам белгиланган хавфсизлик талабларига жавоб берадиган қурилмаларга эга эмас. Бу эса ахборот майдонида хатарларнинг кўпайишига, кибержиноятчилик, онлайн ҳужумлар сонининг кескин ошишига сабаб бўлмоқда. Буюк Британиянинг «Comparitech» тадқиқот маркази Ўзбекистонни криптомайнерлар ҳужумига энг кўп

учрайдиган мамлакат қаторига қўшган ва бу борадаги рейтингда 60 та давлат орасида 56-ўринни эгаллаганимиз.

Ушбу қонун лойиҳаси орқали киберхавфсизлик билан боғлиқ муносабатлар тартибга солинмоқда, ваколатли давлат органининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланмоқда, шунингдек, киберхавфсизлигини таъминлаш бўйича талаблар, бу борада мутахассислар тайёрлаш, миллий операциялар тизими ва дастурий таъминотларни яратиш белгиланмоқда.

Фракция йиғилишида «Кўп квартиралар уйларни бошқариш тизими такомиллаштириллаётганиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди.

Таҳлилларга кўра, кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишни назорат

қилиш инспекцияси томонидан сўнгги тўрт йилда 61 мингдан ортиқ ўзбошимчалик аниқланган. Бунда 17 405 та ҳолатда уйларнинг фасадларидан эшик ва деразалар очилган, 21 570 та ҳолатда балконлар ўраб олинган, 8 838 та ҳолатда хонадон ички қисмлари ўзбошимчалик билан ўзгартирилган, 9 959 та ҳолатда эса умумий фойдаланишдаги жойлар тўсиб олинган.

Аниқланган ҳуқуқбузарликлар мажбурий кўрсатмалар орқали бартараф этилган бўлса-да, кўчмас мулк эгаларининг шахсий жавобгарлигини кучайтириш бўйича таъсирчан чоралар кўрилмаган. Бу эса кўп квартиралар уйларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш заруратини келтириб чиқаряпти.

Мазкур лойиҳанинг қабул қилиниши билан кўп квартиралар уйлардаги муҳандислик-

техник коммуникацияларни, жумладан, конструктив қисмлари таянч қобилияти ва зилзилабардошлилигини сақлаш ҳамда, кўчмас мулк эгаларининг хавфсиз яшашига шароит яратиб берилишига эришилади. Шунингдек, кўчмас мулк эгаларининг шахсий жавобгарлигини ошириш орқали кўп квартиралар уйларининг техник хавфсизлиги сақлаб қолинади. Депутатлар шуларни эътиборга олиб, қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқулладилар.

Таъкидлаш лозим, фракция йиғилишида партиянинг ҳудудий ташкилотлари вакиллари ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар ҳам иштирок этиб, айрим қонун лойиҳалари бўйича ўз таклифларини билдирдилар.

Раваш МАҲМУДОВ,
«Миллий тикланиш»
муҳбири

Қарор ва ижро

Мансабдор шахсларнинг кўпчилиги мулкларга оид маълумотларни яширган



Очиқлик, шаффофлик – турли қонунбузарликларга чек қўйишнинг муҳим омили, айниқса, коррупциянинг олдини оловчи зарурий воситадир.

Шунинг учун ҳам давлат идоралари ва ташкилотлари олдида очиқликни таъминлаш вазифаси қўйилмоқда. Коррупцияга қарши курашиш агентлигига давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш бўйича қўшимча вазифарлар юклатилди.

Агентлик томонидан вазирлик ва идораларнинг очиқликка оид қонунчилик ҳужжатларида белгиланган мажбуриятларнинг ба-жарилиши ўрганилиб, мунтазам мониторинг қилиб борилмоқда.

Шунга кўра, 2021 йилнинг октябрь ойида вазирлик ва идоралар кесимида ўтказилган мониторинг натижалари бўйича 230 та давлат идораларининг 121 таси хизмат сафарлари ва хориждан ташриф буюрган меҳмонларни кутиб олиш харажатлари ҳақидаги

маълумотларни ўз расмий веб-сайтига жойлаштирмаганлиги аниқланди.

Республикамиздаги 119 давлат органи ва ташкилоти ўз тасарруфидаги хизмат автоматотранспорт воситалари, хизмат уйлари ва бошқа кўчмас мулклар тўғрисидаги маълумотларни Очиқ маълумотлар порталига ўз вақтида жойлаштирилишини таъминламаган бўлса, 48 таси Порталда шахсий кабинет ҳам очмаганлиги маълум бўлди.

Бу каби камчиликларга йўл қўйиб келаётган вазирлик ва идоралар мансабдор шахсларнинг масъулиятини ошириш мақсадида Агентлик томонидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун маъмурий жавобгарликни белгиллов-


чи қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритилди.

Кўрииб турганидек, очиқлик етарли даражада таъминланмаётгани туфайли коррупцияга оид жиноятчилик барҳам топганича йўқ.

Таҳлилларга кўра, 2021 йил давомида 6 минг 294 нафар шахс томонидан 7 минг 953 та коррупциявий ҳолатлар билан боғлиқ жиноятлар содир этилган. Шундан, давлат органлари ва ташкилотлари зиммасига юклатилган вазифа ва функцияларни бажаришга оид 3 мингдан зиёд шахслар томонидан 4 минг 186 коррупциявий ҳолатлар билан боғлиқ жиноятлар ҳисобга олинган.

Н.АБДУРАИМОВА,
Ўза

Ҳамкорлик



Ўзбекистон ва Япония ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганига 30 йил тўлди

1992 йил 26 январда Ўзбекистон Республикаси билан Япония ўртасида дипломатик муносабат ўрнатилган. Мазкур сана муносабати билан икки давлат ташқи ишлар вазирлари ўзаро табрик йўлладилар. Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комиловнинг табригида, жумладан, шундай дейилади: «Ўзбекистонда Япония билан яқин ва ишончли муносабатлар қадрланади, биз ушбу мамлакатни ишончли дўст, вақт синовидан ўтган ҳамкор сифатида биламиз». Табрикда Ўзбекистон томони расмий Токио билан жаҳон ва минтақавий сиёсатнинг долзарб масалалари бўйича мулоқотни изчил давом эттиришдан манфаатдор экани таъкидланган. Кун чиқар юрт ташқи ишлар вазири Ёсимаса Хаяси Ўзбекистон Япония учун нафақат кўп йиллик ҳамкорлик тарихига

эга дўст давлат, балки муҳим стратегик шерик эканини қайд этади. Жаноб Хаяси Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар Японияда изчил қўллаб-қувватланаётганини ҳам эътироф этди. 2002 йилдан буён Ўзбекистон ва Япония ташқи ишлар вазирликлари ўртасида 18 марта сиёсий маслаҳатлашув ўтказилгани ўзаро стратегик шериклик жадал суръатда ривожланаётганидан далолатдир. 2021 йилда Мухсинхўжа Абдурахмонов Ўзбекистоннинг Япониядаги Фавкуллода ва мухтор элчиси этиб тайинланди. 2019 йилдан бошлаб Ёшинори Фужияма Япониянинг Ўзбекистондаги фавкуллода ва мухтор элчиси лавозимида ишлаб келмоқда.

Ташқи ишлар вазирлиги матбуот хизмати



КИБЕРТАҲДИДЛАР

БУГУННИНГ МАСАЛАСИ, ЭРТАНИНГ ЭМАС!

Ҳаётимизни замонавий технологияларсиз тасаввур қилиб бўлмай қолди. Аммо илм-фан ютуқлари яна бир глобал муаммони кун тартибига киритмоқда. Турли вирусли дастурларни тарқатиш, паролларни бузиш, қонунга зид ахборотлар тарқатиш, хаккерлик хужумлари, веб-сайтларга ноқонуний кириш, фирибгарлик, муаллифлик ҳуқуқига зид ҳаракатлар, кредит карточкаларидан пул ўғирлаш каби жиноятларнинг янги турлари пайдо бўлиб, унинг номи кибержиноятчилик деб аталмоқда.



Маълумотларга қараганда, кибержиноятчилик бир йилда дунё иқтисодийётига ўртача 26 миллиард АҚШ доллари миқдорига зарар етказмоқда. Бугун интернетдан фойдаланувчилар сони 3,5 млрд дан ошгани, шунингдек, 20 млрд га яқин қурилмалар интернетга уланган ҳолда ишлётгани, яқин беш йилда мазкур кўрсаткичнинг икки баробарга ошишини эътиборга олсак, бу муаммонинг қанчалик жиддийлигини кўрсатади.

Яқинда Буюк Британиянинг «Comparitech» тадқиқот компанияси томонидан киберхавфсизлик даражаси нисбатан юқори бўлган 60 та давлат рейтингини эълон қилинди. Япония етакчи бўлган ушбу рўйхатда Ўзбекистон 56-ўринни эгаллаган. Рейтингни тузишда зарарланган мобил қурилма ва компьютерлар улуши, хаккерлик хужумлари сони ва хужумларга тайёрланганлик, тегишли қонунчилик мавжудлиги каби асослар эътиборга олинганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, кибертаҳдидлар сони ва кўламининг ортиб боришига асосан давлат органлари ва ташкилотларнинг белгиланган хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган қурилмалардан фойдаланаётгани сабаб бўлмоқда. Шу билан бирга, кибертаҳдидларнинг олдини олиш бўйича қонунчилик хужжатлари мукамал эмаслигини тан олишимиз керак. Ҳатто бу бўйича ваколатли давлат органи, алоқа операторлари ва тармоқ эгалари ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг қонунчилик асослари ҳам таъминланмаган. Шунингдек, ханузгача ахборот ва киберхавфсизликни таъминлайдиган ягона орган белгиланмагани муаммо кўламини кенгайтирмоқда. Муҳим инфратузилма ва унинг объектиларнинг ҳимояланганлик даражасини аниқлаш учун эса ахборот ва киберхавфсизликни самарали баҳолаш ва назорат қилиш тизими йўқ.

Бундан ташқари, давлат секторининг ахборот тизимлари ва ресурсларининг барқарор ишлаши, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари учун бир қатор хавфлар мавжуд бўлиб, улар ҳатто жамоат манфаатлари, жамият ва фуқароларнинг саломатлиги ва фаровонлигига ҳам таҳдид солиши мумкин.

Юқорида қайд этилган масалаларни ҳал қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 сентябрдаги «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг жорий

этилишини назорат қилиш, уларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ кибермақомада киберхавфсизлик масалаларига ягона ёндашувни белгилаш мақсадида Давлат хавфсизлик хизмати томонидан «Киберхавфсизлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси тайёрланди. Шу кунларда ушбу қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасида биринчи ўқишда муҳокама қилинмоқда.

Қонун лойиҳаси киберхавфсизлик соҳасида юзага келадиган муаммоларни инobatга олган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, унда киберхавфсизлик соҳасида Ваколатли давлат органининг ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, давлат органлари ва ташкилотлар учун ахборот тизимлари, ресурсларининг киберхавфсизлигини таъминлаш бўйича талаблар аниқ белгилаб қўйилмоқда. Энг муҳими, янги қонун асосида Миллий киберхавфсизлик санатини рағбатлантириш ва янада ривожлантириш учун самарали ҳуқуқий база яратилади.

Қонун лойиҳасини тайёрлашда Россия, Хитой, АҚШ, Грузия, Қозоғистон, Украина, Сингапур ва бошқа хорижий давлатларнинг киберхавфсизлик соҳасидаги тажрибалари ўрганилиб, таҳлил қилинган.

Таъкидлаш лозим, «Миллий тикланиш» демократик партиясининг 2020-2024 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастурида ҳам ёшларни жисмоний ва маънавий камолотига салбий таъсир кўрсатувчи ахборотлардан ҳимоя қилиш, миллий ахборот маконини барқарор ва хавфсиз ривожлантириш билан боғлиқ кўплаб вазифалар белгиланган. Уларнинг ижросини таъминлаш мақсадида фракциямиз аъзолари ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилинишида фаол иштирок этмоқдалар.

Умуман, киберхавфсизликни таъминлаш масаласига фақат тегишли давлат идоралари эмас, балки бугун ахборот технологиялари билан ишлайдиган, компьютер ёки уяли алоқа воситаларига эга бўлган ҳар бир фуқаро жиддий эътибор қаратиши лозим. Зеро, ушбу йўналишда қабул қилинаётган меъёрлар, тартиб ва талабларга риоя этишимиз ва жорий этилаётган янгилликлардан мунтазам хабардор бўлиб туришимиз лозим.

Бахтиёр МАНИЯЗОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

НИҲОЯТ ОҚИЛОНА ЕЧИМ ТОПИЛДИ. ЭНДИ...

Бугунги кунни ёшларимиз ҳаётида янги бир даврнинг бошланиши, ёшларга доир давлат сиёсатини амалга оширишнинг туб бурилиш палласи, дейиш мумкин.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг «Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори шак-шубҳасиз, Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида янги саҳифа очмоқда.

Узоқ йиллар ёшлар ташкилотиде ишлаган, мазкур қатлам билан боғлиқ ҳаётини муаммоларни ичидан билган киши сифатида, ушбу қарор билан мустақамлаб қўйилган қатор нормалар реал ҳаётда етилган муаммоларга ечим бўлишини алоҳида таъкидлашни истардим.

Оддий бир мисол. Биз узоқ йиллар мобайнида маҳаллаларда ёшлар билан ишлашнинг яхлит вертикал «маҳалла – туман – вилоят – республика» бошқарув тизимини яратишга интилдик, ҳаракат қилдик, турли тажрибалар қилиб кўрдик. Минг афсуски, бу тизим шу пайтгача ишламади, охириги ҳалқда ишлар сушлашиб қолаверди. Жуда кўплаб эзгу ташаббус ва гоёлар маҳалла даражасида кенг оммалашмади, қамров эса биз кутганчалик бўлмади.

Асосийси, ҳеч ким, ҳеч бир ташкилот бу му-

аммони ўз гарданига олишга уринмас, ютуқлар – ҳамманики, камчиликлар эса – «Камолот» (Ёшлар Иттифоқи)ники деган қарашлар, ҳатто киноялардан нарига ўтилмади.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу қарори билан эса ёшларга доир давлат сиёсатининг амалга оширилиши юзасидан назорат тизими энг қуйидан энг юқори эшелонга қадар аниқ-тиниқ тарзда ўрнатилди. Шу маънода ҳам ушбу хужжатни ёшлар учун, уларнинг истиқболи учун улкан қадам ва тарихий ютуқ бўлди, дейиш мумкин.

Одилжон ТОҶИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
Спикерининг ўринбосари

ЁШЛАР ЕТАКЧИСИ

ТОМ МАЪНОДАГИ ЕТАКЧИГА АЙЛАНИШИ КЕРАК!

Маҳалла тизимини ҳокимликлар билан боғлаш мақсадида ҳар бир маҳаллада ҳоким ёрдамчиси лавозимининг жорий этилгани натижасида мукамал тизим яратиш йўлидаги асосий қадам бўлди, десак муболаға бўлмайди. Замонавий ёндашувларнинг яна бир мисоли маҳаллаларда ёшлар масалалари билан мунтазам шугулланадиган ёшлар ишлари агентлигининг вакили институтининг жорий этилганидир.

Президентимизнинг «Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан ёшлар билан ишлашнинг янги бошқарув механизми жорий этилиб, улар билан ишлашнинг вертикал тизими яратилди. Асосий мақсад ёшларни қўйиб қўйиб, ривожланишлари га тўсиқ бўлаётган муаммоларни маҳаллада ҳал этиш, қолаверса, маҳалла миқёсида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни амалга оширишдир.

Маҳаллаларда фаолият олиб борувчи ёшлар ишлари агентлигини вакилларнинг «ёшлар баланси»ни шакллантириш билан самарали иш ташкил этиши ҳам асосий вазифалардан этиб белгиланганини таъкидлаш жоиз.

Белгилаб берилган вазифалар орасида ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг ташаббусларини рағбатлантириш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга кўмаклашиш, маънавий ривожланишларини таъминлаш каби жиҳатлар эса ёшлар етакчилари зиммасидаги масъулиятдан дарак беради. Улар зиммасига ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги бўлган ёшлар билан ишлаш масаласи ҳам юклатилганини таъкидлаш жоиз.

Шу билан бирга, ёшлар етакчилари маҳаллалардаги ўз фаолиятларини олиб боришда маданият ва санъат, китобхонлик ва маънавиятни тарғиб қилиш, соғлом турмуш тарзи ва спортни оммалаштириш, ахборот технологияларидан самарали фойдаланишни ташкил қилиш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва ҳуқуқий саводхонликни ошириш ҳамда тадбиркорлик гоёларини қўллаб-қувватлаш борасидаги йўналишларда ҳам

иш олиб борадилар.

Мазкур вазифаларни тўлақонли бажаришда ёшлар етакчиларини қўллаб-қувватлаш, уларни рағбатлантириш, уларга мотивация бериб бориш тизими ҳам ишлаб чиқилди. Президентимиз қарорига асосан маҳаллада ёшлар билан самарали ишлаган 100 нафар Етакчиға бир ойлик иш ҳақиға тенг миқдорда бир мартали пул мукофоти берилиши, ёшларга ҳақиқий намуна бўлаётган Етакчилар «Янги Ўзбекистон ислохотчиси» кўкрак нишонини билан тақдирланиши шубҳасиз, улар фаолиятида ижобий натижаларни беради.

Тан олишимиз керакки, «Инсон қадрини учун» деган эзгу гоё асосида бугун аҳолиға, айнисига, ёшларга кўрсатилаётган ижтимоий ёрдам турлари фуқароларнинг ҳаёт даражасини яхшилашга маълум даражада хисса қўшмоқда. Бу борадаги ёрдам турларини кенгайтириш, манзилли ёрдам берилиши, ҳар қандай ёрдамнинг эгасига етиб бориши юзасидан ишлаб чиқилаётган тизим ёшлар етакчиларини ҳам четлаб ўтмайди, албатта. Зеро, Президентимиз қарори билан 13 турдаги ёшларга бериладиган ёрдам Етакчининг тавсияси асосида берилиши белгилаб қўйилди.

Етакчилар ҳоким ёрдамчилари билан ҳамкорлик қилишга, ўзларига берилган ваколатлар доирасида шахсий масъулиятни ҳис этишга, ўз фаолиятлари давомида турли ташкилот ва идоралар билан ўзаро мувофиқликда фаолият олиб боришга ҳамда бериладиган тавсияларнинг асослилиги, ҳаққонийлиги ва адолатлилиги учун ҳам масъул ҳисобланадилар.

Қайд этиш жоизки, кўп йиллардан бери ёшлар сиёсатини амалга оширишда ёшларнинг

маҳаллада ўз вакилининг йўқлиги мавжуд қийинчиликларни вужудга келтирар эди. Масалан, умумий ўрта таълим мактабларида фаолият олиб борган ёшлар етакчилари фақатгина таълим муассасасидаги ёшлар билан иш олиб борди, маҳалладаги ёшлар билан ишлаш масаласи эса деярли унутилди. Тан олиш керак, Президент ташаббуси билан ташкил этилган «Ёшлар дафтари» бу муаммони қамраб олди, лекин ҳар бир маҳаллада Етакчилар институтининг таъсис этилиши мазкур муаммони тўлақонли ечди, десак муболаға бўлмайди.


Мазкур тизим энди ҳам ўзини оқлайдими?

Саволға жавобни барчамиз биргаликда излашимиз лозим. Бу борада маҳаллалардаги ҳоким ёрдамчилари, маҳалла раислари ва албатта, маҳалладаги ёшлар етакчилари билан ҳамкорликни, улар билан ишлаш, уларга кўмаклашиш борасидаги ўз тизимимизни қайта кўриб чиқишимиз керак.

Шу ўринда ёшлар етакчилари ҳам янгилликларни жорий этиш бўйича барча кўрсатмаларни юқоридан келишини кутиб ўтирмасдан ёки фақатгина дастурларда белгилаб берилган вазифа, чора-тадбирларни юзаси бажариш, қолаверса, ҳисобот бериш учунгина ишламасдан ўз маҳалласи келажагини ўз қўли, ўз кучи билан яратишга бел боғласа, мақсадга мувофиқ бўлади.

Айни вақтда ҳар бир маҳалла бўйича етакчиларға билдирилган ишонч улар зиммаларига қандай улкан масъулият ва жавобгарлик юклаганини ҳам чуқур ҳис этишлари лозим.

Шерзод РАҲИМОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати



«Omicron» штаммининг жуда тез тарқалишига унинг буюмлар юзасига узок вақт яшовчанлиги сабаб бўлмоқда, дейди Киото тиббиёт университети олимлари. Аввалги вирусларнинг пластик буюмлар юзасига яшаб қолиш вақти урчача 56 соатни ташкил қилган бўлса, «Delta» 114 соатгача яшай олган. Олимлар «Omicron»нинг бундай буюмлар юзасига 193,5 соатгача яшаганини аниқлашди.

ОГОҲЛИККА ДАЪВАТ




Шахноза ПУЛАТОВА,
1-Республика клиник
шифохонасининг
реабилитация-
неврология бўлими
мудир

ЭҲТИЁТ БЎЛАЙЛИК, ҲАР ҚАДАМИМИЗДА

АЖЖАЛ

НАФАСИНИ ҲИС ЭТЯПМИЗ



Америкалик олимларнинг фикрича, «Omicron» штаммининг тез суръатларда тарқалиши оқибатида коронавируснинг янги мутациялари пайдо бўлиши мумкин. Шу сабабли улар эмланиш, айниқса, кўшимча дозада вакцина олиш энг самарали ва тўғри чора эканлигини таъкидлашдан чарчамаяптилар.

Улардан 486 минг нафарни COVID-19 асоратлари туфайли ҳаётдан кўз юмди. Айни пайтда эса мамлакатда эпидемиологик вазият янада мураккаб экани айтилмоқда. Шунинг учун ҳам маҳаллий шифокорлар аҳолидан ҳеч бўлмаганда бу йил Ганг дарёсида оммавий чўмилиш маросимларида иштирок этмасликни сўраган. Бироқ бу огоҳлантиришларга қарамай, кунига 300-350 минг киши ёппасига сувга тушмоқда.

Россияда ҳам эпидемиологик вазиятнинг чигаллиги хабар қилиняпти. Мисол учун, ўтган ҳафта мамлакатда қарийб 29 минг кишида коронавирус аниқланган. Мутахассислар 1 февралга қадар касалланиш кўрсаткичлари 65 мингга етиши мумкинлигини башорат қилишяпти.

Маълумки, Хитойда келгуси ойда 4 йилликнинг муҳим спорт тадбири — қишки Олимпиада уйинлари ўтказилиши керак эди. Лекин карантин чоралари қанчалик кучайтирилмасин, мусобақага 18 кун қолганида «Omicron» билан касалланган илк бемор аниқланди.

Кун чиқар юртда ҳам корона-вируснинг ушбу мутациясини юқтирган беморлар орасида биринчи ўлим ҳолати қайд этилди.

Америкалик олимларнинг фикрича, «Omicron» штаммининг тез суръатларда тарқалиши оқибатида корона-вируснинг янги мутациялари пайдо бўлиши мумкин. Шу сабабли улар эмланиш, айниқса, кўшимча дозада вакцина олиш энг самарали ва тўғри чора эканлигини таъкидлашдан чарчамаяптилар.

Бундай ҳолатлар пандемия-ни яқунлаш мавсуми ҳали яқинлашмаганидан далолат берапти. Энди юқорида таъкидланган «ижтимоий кибр» тўлкинига қайтсак: пандемия даврида кўпчилик мутахассислар COVID-19нинг асосан катта ёшдагиларга таъсири ҳақида гапирдилар ва биз бунга ишондик ҳам. Аммо кўпгина давлатлар, хусусан, Россия тиббиёт ходимлари маълумотларига кўра, беморларнинг 40 фоизи 45 ёшгача бўлганлар экан.

Ушбу мисолга эътибор қаратайлик: яқинда Санкт-Петербург шаҳрида 18 дан 25 ёшгача бўлган 80 нафар талаба-ёшлар COVID-19 қурбонига айланди.

Бу осмондан олинган рақамлар эмас, албатта. Ниқоб тақмаслик, бир жойда кўплашиб тўпланмаслик, гигиенага риоя қилмаслик, умуман ўзини асрамаслик қутилмаганда одамлар ёнида юрган кўринмас ажалга йўл очиб бериш мумкинлигини ҳеч қачон унутмайлик...

Тарчи кейинги 2-3 кунда касалланишлар сони камайгани айтилаётган бўлса-да, аммо бу хотиржамликка берилиш мумкинлигини аниқламайди. Статистик маълумотларга кўра, дунёда ҳар куни 3 миллионга яқин киши коронавирус билан касалланмоқда. 2022 йилнинг 26 январь ҳолатига Ўзбекистонда коронавирус юқтирилганлар сони 217 мингдан ошган, COVID-19 туфайли ҳаётдан кўз юмганлар сони 1549 нафарни ташкил этган.

Ёдингизда бўлса, ўтган ҳафта АҚШ Президенти Жо Байден аҳолига 1 миллион дона коронавирус тестлари белул тарқатилишини эълон қилганида деярли ҳеч ким ажабланмади ҳам. Шунингдек, Байден жаноблари шу ҳафтадан бошлаб мамлакатнинг олтита штатида минг нафар ҳарбий шифокорлар юборилишини, улар «Omicron» штаммини юқтирган беморларни қабул қилаётган касалхоналарга ёрдам беришга сафарбар қилинганини маълум қилди. Қайд этиш жоизки, шу кунларда Америкада ҳам «эмланмаганлар пандемияси» авж олиб, миллионлаб фуқароларнинг вирус юқтиришига олиб келяпти.

Ана шундай ҳолат Германияни яна инқироз ёқасига тортаётган кўринади. Роберт Кох номидаги институт мута-сатдиларининг таъкидлашларича, мамлакатда кунлик касалланишлар сони 80 мингдан ошган. Энг ёмони 316 киши вафот этган...

Ҳа, чиндан ҳам одамзод кўринмас ажал билан ёнмаён юргани кўпроқ ривожланган давлатларда яққол сезилмоқда.

Балки, Германия ва АҚШдек тиббиёти ўта ривожланган мамлакатларда пандемия безгаги яна кўзгалаётган экан, бундан, энг аввало, энди ривожланган ҳудудлар жиддийроқ хулосалар чиқаришлари керак, дегинг келади.

Ўзбекистон ҳам ана шундай хавф-хатарлардан холи ҳудуд эмаслигини билсакда, аммо тиббиёт ходимларининг талабларига риоя қилишга келганда «маиший кибр» тўлкинига дуч келаётганимиз бор гап. Айниқса, ёшларимиз орасида «менга бу касал юкмайди» қабилда иш тутаетганлар кўпчиликни ташкил

этаётгани ниҳоятда афсусларлидир.

Аччиқ бир ҳақиқатни тан олайлик:

Коронавируснинг «Omicron» штамми дунё аҳолисини яна ихоталанишга мажбур қилди. Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизими мутасаддиларининг фикрича, пандемиянинг навбатдаги тўлкини авж олаётган мамлакатлар кўшимча карантин чекловлари орқали касалликнинг кенг тарқалишига қарши курашмоқда.

Масалан, Европанинг юраги саналмиш Германияда жамоат жойларида тиббий ниқобсиз юриш қатъий тақиқланди. Вакцина олмаган ва «манфий» тест натижаси бўлмаганлар ресторану барлар, театру томошагоҳлар ҳамда фитнес клубларига киритилмаяпти.

Францияда эса бустер-доза билан эмланиш учун аҳолига 7 ойлик муддат берилди. Зеро, юқорида таъкидланганидек, бу ерда ҳам кунлик касалланиш ҳолатлари чўққига чиқди. Масалан, 15 январда мамлакатда 324 минг кишининг COVID-19ни юқтиргани қайд этилди.

Данияда ҳам мутахассислар эмланишга катта умид боғламоқдалар. Шу сабабли ушбу мамлакат Европада тўрт дозали вакцинани қўллаган биринчи давлатга айланди.

Грецияда эса 60 ёшдан ошган эмланмаган фуқаролар жаримага тортила бошланди. Тўлов миқдори 50 еврога тенглиги ва келгуси ойдан у икки баробар оширилиши айтилмоқда.

Ҳиндистон ҳам анчадан бери коронавирусни юқтириш кўрсаткичлари бўйича иккинчи ўринни ҳеч кимга «бермаяпти». Бу ерда жами касалланганлар сони бутун бошли Ўзбекистон аҳолисидан ҳам ошиб кетди. — 37 миллион...

Кутинг!

Маҳаллага чиқиб, болаларимга нафақа пули сўрасам, бу манзилда рўйхатда турмаслигимни, собиқ турмуш ўртоғимнинг маҳалласига борсам, икки йилдан буён бу ерда яшамаслигимни рўқач қилишади. Хўжайиним аллақачон уйланиб, фарзандли бўлган, алимент пулини эса бермайди. Ажримга берай десам, ўзимда пул йўқ. Ишлай десам, болаларим ҳали ёш. Акамнинг топганига шерик бўлиб яшаяпман. Хорижга чиқиб ишлаш ҳақида ҳам ўйладим. Аммо болаларимни кўзим қиймаяпти. Бошим қотган, АЙТИНГ, НИМА ҚИЛАЙ?

Келгуси сонларда

Экспертлар фикри:

«Omicron»дан ҳам хавфлироқ мутация пайдо бўлиши мумкин



Пандемиянинг қачон тугаши ҳақида олдиндан аниқ гап айтиш қийин. Фақат тахмин ва башоратлар бор, холос. ЖССТ Европа минтақавий бюроси директори Ханс К्लюгеннинг тахмини ҳам шулардан бири.

У «Omicron» штаммидан сўнг коронавирус пандемияси тугаши эҳтимолини инкор қилмайди. Масалан, Европада аҳолининг катта қатлами бу инфекция билан касаллангач, оммавий иммунитет ҳосил бўлади. Қолаверса, эмланиш кўрсаткичлари ошиши ҳам вазиятни ижобий томонга ўзгартириши мумкин. «Аммо бу вирус бизни бир неча бор ҳайратда қолдирганини ҳам унутмайлик, — дейди Клюге. — Шу сабабли эҳтиёткорлик чорасини кўришимиз шарт». Ташкилот эксперти Мария-ван Керховенинг хулосаси эса хавотирли. У «Omicron» ҳозиргидек тез суръатда

тарқалишда давом этса, кўп мутацияга учраб, янада юқумлироқ штаммлар пайдо бўлишига олиб келади, деган фикрда. Аввалроқ Россиянинг Н.Ф.Гамалея номидаги Миллий эпидемиология ва микробиология илмий-тадқиқот маркази директори Александр Гинцбург ҳам «Omicron» штамми туфайли янада хавфлироқ мутация шаклланиши мумкин, дея мурожаат билан чиққан эди. АҚШлик олимлар эса вакцина олиш муҳимлиги, бироқ бустер дозада эмланмасдан «Omicron» штаммига қарши курашиш қутилган самарани бермаслигини таъкидлаган.

Мамлакатда ўтказилган учта йирик тадқиқот натижаси ушбу хулосага асос бўлди. Шунингдек, россиялик инфекционист Евгений Тимаков ушбу штамм билан касалланишнинг асосий белгилари ҳақида маълумот берган. Унга кўра, агар одамда дарҳол бурун оқиши, бош оғриғи, томоқ оғриғи, овозда хириллаш кузатилса, бу унинг деярли юз фоиз «Omicron»га чалинганидан далолат беради. Мутахассис, шунингдек, янги штамм ҳолсизлик, уйқу бузилиши, иситма, қорин оғриғи ва ошқозон-ичак тизимидаги бузилишлар билан бирга кечини айтган.

БИР ЗИЁРАТГОҲ

Август ўтмиши

АМИР ТЕМУР АСОС СОЛГАН, АММО МУСТАБИД ТУЗУМ ДАВРИДА

ОМБОРЖОНАГА

АЙЛАНТИРИЛГАН
МАЖМУА ҲАҚИДА

Тошкент воҳаси ўз тарихида тақдирнинг кўп синовларини, шаҳар ва қишлоқларни вайронага айлантирган мўғиллар босқини каби оғир даврларни бошдан кечирган.

Тарихий манбалардан маълум бўлишича, фақат Амир Темури даврига келиб, воҳада қайтадан ривожланиш бошланган. Кўплаб шаҳар-қишлоқлар янгидан қад ростлаб, обод бўлган.

Маълумотларга кўра, Тошкент шаҳридан 16 чақирим ғарбда, Самарқандга ўтадиган қадимий қарвон йўлида, Чирчиқ дарёсининг ўнг соҳилида, Зангиота қишлоғининг марказида қад ростлаган Зангиота мажмуаси Амир Темури томонидан қурилган.

Маълумки, Зангиота ҳазратлари Марказий Осиё минтақасида IX–XII асрларда юз берган биринчи илмий-маданий юксалиш, яъни илк Шарқ Уйғониш даврининг намояндаси, ўз замонида ҳикмат ва маънавият, дин ва тасаввуф ривожига катта ҳисса қўшган мутасаввиф ва авлиё боболаримиздандир.

Неча юз йиллардан буён Зангиота шахсига бўлган қизиқиш сусаймаган, аксинча, ортиб бормоқда. Ривоятларга кўра, Ойхожа ибн Тожхожанинг ёшлик йиллари IX–XII асрларда Марказий Осиёдаги энг йирик шаҳарлардан бири – Бинктеда (ҳозирги Тошкентга) кечган. Ҳозирги Зангиота қишлоғига

айнан шу зот асос солган. У киши 1258 йилгача, яъни вафотига қадар қарийб қирқ йил давомида Анбар она билан бирга шу қишлоқда яшаган. Жуда кўплаб одамларга – оддий деҳқонлардан тортиб турли даражадаги ҳукмдорларга ҳам диний-маънавий устозлик қилган. Вафотидан сўнг у зотнинг мазори наинки маҳаллий, балки олис минтақалардан келадиган кишилар учун ҳам зиёратгоҳга айланган.

Шу тариқа Зангиота мазори устида зиёратгоҳ кўринишидаги дастлабки камтарона ёдгорлик пайдо бўлган ва кейинчалик нафақат зиёратгоҳ, балки у жойлашган қишлоқ ҳам Зангиота номи билан аталган.

Профессор Акмал Саидов томонидан тақдим этилган маълумотларга кўра, Зангиота мажмуасининг бунёд этилиши билан боғлиқ ибратли ривоятлар ҳам, тарихий воқеалар ҳам бирдек чуқур рамзий маънога эга.

Ривоят қилишларича, Амир Темури Ясси кўрғонидида Аҳмад Яссавий ҳазратларига мақбара қуриш ҳаракатини бошлаганида нима учундир иш ҳадеганда юришавермаган. Бу ҳолнинг сабабини билолмай, ҳайрон бўлиб юрганида бир кеча тушига нуруний бир зот кириб, Яссавийга мақбара қуришдан олдин Зангиотанинг қабрини обод қилиши кераклигини айтади.

Шунда Амир Темури Зангиота руҳини шод этиш учун мақбара тиклашга киришади. Бу муҳташам ёдгорлик мажмуининг қурилиши 1420 йили Мирзо Улуғбек томонидан тугалланган. Мажмуа мустабид тузум даврида омборхона, кейинчалик музей вазифасини ўтаган.

Профессорнинг сўзларига кўра, Зангиота зиёратгоҳи Марказий Осиё минтақаси халқлари учун табаррук макан ҳисобланади. Бу тарихий-меъморий мажмуага ҳар кун беш минг нафар атрофида зиёратчи ва сайёҳ келаётгани бунга яққол тасдиқлайди. Зиёратчилар турли мамлакатлардан экани ҳам диққатга моликдир. Зангиота мажмуаси дастлаб икки хонали содда иморат – зиёратхона ва гўрхонадан иборат бўлиб, пештоқ ва безгалари бўлмаган. Хоналарнинг девори равоқли чорси асосдан бурчаклардаги равоқли бағал гўмбаз билан боғланган. Ҳосил бўлган саккиз қиррали асос устига ўрнатилган гўмбазларнинг катталиги ҳар хил.

Хоналарга дарча ва тобонлар орқали ёруғлик тушган. Гўрхонадаги оқ мрамрдан ишланган қабртош, айниқса, диққатни тортади. Тошга ғоятда моҳирлик билан нафис ўйма нақш ва арабий хатлар битилган. Қабр шакли ва нақшлардаги услуб унинг қадимийлигидан далолат беради. Ён томондаги юза

Амир Темури Ясси кўрғонидида Аҳмад Яссавий ҳазратларига мақбара қуриш ҳаракатини бошлаганида нима учундир иш ҳадеганда юришавермаган. Бу ҳолнинг сабабини билолмай, ҳайрон бўлиб юрганида бир кеча тушига нуруний бир зот кириб, Яссавийга мақбара қуришдан олдин Зангиотанинг қабрини обод қилиши кераклигини айтади.

қисмида араб тилида куйидаги мазмундаги шеър битилган: «Биз соғлик ва саёхатдан завқланамиз. Аммо вақти келиб бир-биримиздан айриландим. Чунки вақт севаклиларни айирувчидир».

Мрамар битиктошнинг бир ён қиррасига кўфий ва сулс хатида Пайғамбаримиз (саллоллоху алайҳи ва саллам)нинг: «Қабр амаллар сандигидир», деган ҳадислари битилган.

Вақтлар ўтиб мақбара олдига пештоқ ва иккита кўндаланг хона қурилиб, безак берилган. Пештоқ ва хоналар ташқи девори, зиёратхона ва мақбара пойгумбази сайқаланган ғиштчалар, ўймакор ранг-

баранг кошинлар билан безатилган.

Анбар она мажмуаси Зангиота мажмуаси таркибида бўлиб, Зангиота мажмуасининг жануби-ғарбида жойлашган. У пештоқ, зиёратхона ва гўрхонадан иборат. Зиёратхона ва гўрхонанинг усти қўшқават гўмбазли, қуббали тошдан, кичик доира шаклида ясалган. Мақбарага оқ мрамрдан қабртош қўйилган. Унинг теварак-сиртига арабий хатлар ва нафис нақшлар ўйилган. Мақбара дастлаб икки хонали бўлган, кейинчалик унинг олдида пештоқ қурилиб, кошинлар билан безатилган. Пештоқта янчи унча баланд эмас. Бу услуб Тошкент мажмуаларига хос. Зангиота мажмуаси катори ушбу ёдгорлик ҳам Амир Темури замонаси меъморчилиги аъванасининг ёрқин намунаси ҳисобланади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 20 октябрдаги қарори асосида Тошкент вилоятидаги Зангиота мажмуаси ва унга туташ ҳудудларда кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилди.

Бугунги кунда мажмуа ҳудудида 1 000 ўринли янги масжид биноси, Ўзбекистон мусулмонлари идораси вилоят вакилликнинг биноси, 40 ўринли таҳоратхона, 2 та ҳожатхона, эски ҳовуз ўрнига 2 та фаввора, 2 та миллий услубда лойиҳалаштирилган шийпон, тегишли коммуни-

кация тармоқлари, ер ости ўтиш йўли, автотўхташ жойи, 50 ўринли 3 қаватли меҳмонхона, 70 ўринли чойхона, икки қаватли мини-маркет ва бошқа ўндан ортиқ миллий хунармандчилик савдо дўконлари, новвойхона, замон талабига жавоб берадиган 50 ўринли деҳқон бозори, ошхона барпо этилган.

Барча таъмирлаш, тиклаш ва ободонлаштириш ишлари бюджет ва ҳомийлар маблағлари ҳисобидан амалга оширилди. Мажмуа тарихий ёдгорлик сифатида давлат муҳофазасига олинди. Қадимги мадраса биноси тула таъмирдан чиқарилди. Ҳовлидаги эски минора олиб ташланиб, янги масжид олдида янги, баландлиги 31 метр бўлган минора қурилди. Зангиота ва Анбарбиби мажмуалари ҳам буткул қайта таъмирланди. Мажмуадаги 5 та гўмбаз қайта тикланди.

Бугун Зангиота мажмуаси зиёратчилар билан гавжум. Ушбу мажмуа мамлакатимизнинг туризм салоҳиятига катта ҳисса қўшаётган муҳим қадамжоси ҳисобланади.

Неча асрлик тарихга гувоҳ бу масжид биноси, Ўзбекистон мусулмонлари идораси вилоят вакилликнинг биноси, 40 ўринли таҳоратхона, 2 та ҳожатхона, эски ҳовуз ўрнига 2 та фаввора, 2 та миллий услубда лойиҳалаштирилган шийпон, тегишли коммуни-

Мухайё ТОШҚОРАЕВА

Халқаро ҳаёт

ПРЕЗИДЕНТ

ҲАМ КЕЧИКИШИ МУМКИН

Америка Қўшма Штатларининг 79 ёшли Президенти Жо Байден ҳар қандай учрашув ёки тадбирга «ҳаддан зиёд тайёргарлик» кўради. Унинг учрашувларга ёки нутқларга тайёргарлик кўришига бир соат ёки ундан кўпроқ вақт кетиши мумкин. Алоқа директори Кэте Бедингфилд ёки матбуот котиби Жен Псаки ва мавзу бўйича мутахассисларнинг таъкидлашича, кўпинча Байден суҳбат жараёнида семинар режимида ўтади – бу уни савол кетидан кейинги саволга ундаб юборади. Шу билан сўнги дақиқаларга нутқ билан шугулланади. Яна бир муаммо шундаки, Байден кечикканлиги учун ўзини айбдор ҳис қилади, бу эса домино эффектини келтириб чиқаради ҳамда куннинг қолган қисмидаги режалар жадвалини бузади. Агар Байден битта учрашувга кечикса, у кўпинча навбатдаги учрашув ўрнини тўлдирив учун узокроқ қолади. Бу унинг кейинги учрашувга кечикишига олиб келади. Натижада кейинги учрашув янада узокроқ давом этади. Байденда оила аъзоларидан келадиган ҳар қандай кўнғироқни қабул қилиш

ҳам одатга айланган. У қариндошлари билан шунчалик доимий мулоқот қиладики, ҳатто унинг набираларидан бири – Наоми яқинда ўз твиттеридида бобосининг бош кўмондон кўнғироқларини ўтказиб юборганини ёзган. Уз пайтида Жорж Буш «беш дақиқа эрта бўлмасанг, кечикдинг» қондасига қатъий амал қилар эди. 2001 йилда унинг бош иқтисодий маслаҳатчиси Лоренс Линдсей учрашувга ўз вақтида келганида Линдсей учрашув аллақачон бошланганини пайқаган (чунки учрашув вақтидан олдин бошланган эди) ва кейинчалик Бушдан енгилгина гап эшитган эди. Билл Клинтон эса, аксинча, кўпинча кечасига ишлар ва масъулларга кўнғироқ қилар, ҳатто шу тариқа тонг ҳам оттирар эди. Барак Обаманинг эса матбуот тадбирларига тез-тез кеч қолгани ҳақида гаплар юради. Лекин кун давомида тартибли учрашувлар ўтказар, ўзининг рангли костюмлари билан «қарор қабул қилиш чарчоқларини» юмшатишга ҳаракат қиларди. Дональд Трамп эса буш вақтини «бошқарув вақти»га айлантириши билан ўзига хос эди.



РАКЕТАЛАР УЧЧИРИШ

ДАВОМ ЭТЯПТИ



Январь ойида Шимолий Корея иккита баллистик ракетасини учирди... Бу ҳақда Жанубий Корея Бирлашган штаб бошлиқлари кўмитаси вакили маълумот берди. Ушбу ракеталар ҳақидаги маълумот Япония томонидан ҳам тасдиқланган. Шундан кейин Бош вазир Фумио Кисида мамлакат мудофаа вазири Нобуо Кишига Япониянинг иқтисодий зонасидан ташқарига тушган ракеталар ҳақида маълумот тўплашни буюрган. Япония қуруқликни қўриқлаш хизмати эса япон сувлари бўйлаб саёҳат қилаётган кемаларни огоҳлантирган. – Биз Шимолий Кореянинг минтақа ва халқаро ҳамжамият тинчлиги ҳамда хавфсизлигига таҳдид солувчи баллистик ракеталар учираётгани каби бир қатор ҳаракатларини кескин қоралаймиз, – деди Япония Вазирлар Маҳкамаси бош котиби Хироказу Мацуно. Қайд этилишича, ушбу ҳаракатлар ўтган ҳафта Байден маъмурияти томонидан жорий этилган янги санкцияларга жавоб тариқасида амалга оширилган. Экспертларнинг таъкидлашича, Шимолий Корея етакчиси Ким Чен Ин музокаралар олиб боришдан олдин АҚШ ва минтақавий кўшнилларга ракета учириви ва шафқатсиз таҳдидлар билан босим ўтказишнинг синовдан ўтган усулини кўлламоқда.

Ф.ҲАМИДУЛЛАЕВ тайёрлади.

А

дабий тадқиқотчилардан бири Исажон Султон асарлари ҳақида гапириб: «Озод» романи бадиий-ифодавий жиҳатдан ҳам Шарқ адабиёти билан туташади. Зеро, асар сюжети Фаридиддин Атторнинг «Мантик ут-тайр», Алишер Навоийнинг «Лисон ут-тайр» асарларидаги сюжетга моҳиятан яқин туради. «Мантик ут-тайр» асарида Семургни излаб йўлга отланган қушлар етти водийни босиб ўтадилар. Бу водийлар тасаввуфдаги Ҳақиқатга элтувчи етти босқичнинг рамзидир», деган фикрни билдирган эди. Адабий жараёнлар ва ижодий масалалар юзасидан Ўзбекистон халқ ёзувчиси Исажон Султон билан суҳбатлашдик.

АСАРЛАР ЗҮРМИ- ЗҮРМАСМИ



Исажон
СУЛТОН

деявериб чарчадик, адабиёт
нима бўлса ҳам яшамоқда»

– «Озод» романини ёзаётганингизда сюжетлари ҳақида ўйлаганимиз ёки тадқиқотчининг юқоридаги фикрини шахсий қарашлари, деб қабул қиласизми?

– Тадқиқотчи айтган мумтоз асарлар жуда юксак, минг йиллар мобайнида бир неча кишигагина мурасар бўлган адабиёт намуналари ҳисобланади. Улар бир қанча ўзига хос билимларни мужассам этади. Чунончи, тафсир, ҳадис, фикҳ, ақоид, тарих кабиларни мукамал эгалламай туриб, ундай асар ёзиш мумкин эмас.

«Озод» романи эса бугунги кунда вояга етаётган йигитчанинг ўзини англаб етиш йўлидаги саёҳати ҳақида. Соддароқ қилиб айтсак, бир ўзбек боласи тахминан мана шундай вояга етади. Элнинг аънавалари, урф-одатлари, тушунчалари, тарихи ҳамда маънавий хазиналаридан шу тариха

тилдан-тилга ўтиб, сайқалланиб, шу билан бирга, ўзгариб намоён бўлаверади.

Турли-туман манфаатлар қоришиб кетган маконда киши қалби бебаҳо гавҳарнинг ўзгинаси. Шундай хулосаларга дуч келасизки, ақлингиз шошади. Сиз тилга олган асарлар ҳам шундай – бири уч минг йиллик тарихдан ҳикоя қилса, бири айни замонда ёнгинамизда яшаётган киши ишонч-эътиқодидан баҳс этади.

– Асарларингиз бир қатор чет ва қардош халқлар тилларига таржима қилинди. Бу албатта, ижодкор учун, у мансуб бўлган халқ адабиётининг тарғиботи учун ҳам ижобий ҳодиса саналади. Бу таржималар ижодий фаолиятингизда қанчалик аҳамиятга эга. Таржималардан қониқдингизми?

чарчаб кетдик. Асарни бундай баҳолаш маркетингнинг иши, уни зўр деб ўша мактаб сотиши керак.

Адабиёт эса, нима бўлса бўлсин, яшамоқда. Кўп ҳолларда барибир бағрикенгроқ бўлавериш керак, деб ўйлайман. Бугун яратилаётган асарлар, хоҳ кичик, хоҳ катта бўлсин, бугунги кун кишининг дарду изтиробини, унга куч-қувват бағишлаб турган қадриятларни, ўй-ишончини акс эттирмоқда. Яъни, бадиий тарих яратилмоқда.

Адабиётшунослигимиз ҳам шундан қувват олмақда. У кечаги адабиётшуносликдан кескин фарқ қилади. Энди у жамият фанлари, тарих, фалсафа, жамиятларнинг қалқиниш ва таназзули қонуниятларига ҳам мурожаат қилиши зарур бўлиб қолмоқда. Чунки эртани кўятуриг, бугун ёзилаётган асарларнинг ўзиёқ ҳудуд ва энергия талашиб содир бўлаётган урушлардан тортиб, то сунги технологияларгача хабардор замон одамани тасвирлар экан, истаса-истамаса, шуларга мурожаат қилмоқда.

Бу ҳудди улкан мухташам бинонинг барпо бўлишига ўхшайди. Унинг беэақлари, анжомлари, юзлаб, минглаб «ғиштлари» асарлар десак, манзара анча ойдинлашади. Шу сабабдан адабий асар қомус ҳамдир, бугуннинг асарларига қараб кишининг ўй-хаёлларини билиб олишади.

Адабий жараённинг билинар-билимас, ғоят нозик жиҳатлари бор. Мисол учун, анча йиллар давомида ўзбек кишини қишлоқларда тирикчилик қилиб юрган жуда оддий, тоза қалбли кишиларни кўрсатиб келди. Адабий тафаккур ўша кишини қаҳрамон қилиб танлар экан, беихтиёр адиб тафаккурига ҳам назар солишга тўғри келади: истеъдод деб аталган у бунёдкор қудрат нима учун бу йўлни танлади деган?

Ижтимоийлик деган муттасил ўзгариб турадиган ҳодисаларга маҳлиё бўлмасдан, муттасил изланиш керак, деб ўйлайман. Чунки ижтимоийлик бугуннинг ижодкорини илҳом деган ажойиб неъматдан айириб қўяди. Ваҳоланки, у шундай олий неъмат эдики, материянинг янги турини яратаётган олимни ҳам, қора туйнук сирига етиб бориш арафасидаги астрономни ҳам бирдай тўлқинлантириб, қувват берарди. У ўз тасавури, билимлари ҳамда туйғулари маҳсули бўлмиш асар яратиш шавқидан мосуво, сохта манзаралар яратишга мажбур бўлиб қолади. Оригиналлик йўқолади.

Яна асар тилига зўр эътибор қаратмаса бўлмайди. Фикрни ифода қилиш учун одам ҳеч бўлмаса ўз тилини пухта билиши керак. Афсуски, кейинги ўттиз йил ичида тилни чала-чўлла билладиганлар авлоди етишиб чиқа бошлади. Уларниям тушунса бўлар, ахир, ҳаммаининг бошида тирикчилик қиличи осилиб турди. Адабиёт истаса-истамаса, дунё адабиётидан у зилолларидан баравар сув ичади.

Дунё адабиёти янги ифода усуллари ўрганиш борасида катта аҳамиятга эга, миллий ўзак эса маълум. У поёнсиз билимларни эгаллагачгина замонавий асар ёзиш мумкин. Билимсиз бир жойга бориб бўлармиди?

Булар менинг ўз хулосаларим. Адабиётда ҳам шу жараён ҳукмрон. Истеъдодлар ярқираб тугилмоқда ҳамда унга бениҳоя улкан билим позим бўлгани ҳолда, не қиларини билмай ҳайрон туришибди.

– Ҳикояларингизда асардан-асарга кўчиб юрвчи бир образ бор. Бу – ота образи.

Тўғри, она сиймосига ҳам кўп мурожаат қиласиз. Аммо отага англаб бўлмас даражада меҳр қўйгансиз.

– Шунга айтиш керакки, бизнинг ўзбек отаси – анчагина мавҳум, маҳфий, билинмаган шахсият. Ҳис-туйғулари, орзу-армонлари зиддиятларини ҳар доим ҳам билвермаймиз. Айрим ҳоллардагина уларни ўз жуфти ҳалоли билан бўлишади, бўлмаса уям йўқ. Бир рўзгорни оёққа қўйиб олгунча не тоғларни кемирганини-ю не сувларни смирганини ўзидан бўлак биров билмайди. Билинмаган шахсият бўлиб дунёдан ўтиб кетавериш яхшими-ёмонми?

Ота қалбига бир қулоқ солингчи. Юлдуз милтираган тунларда кечиккан боласининг йўлига кўз тикиб ўтирган ота ўйдан нелар кечар экан? Яширин у гавҳарга назар ташласак, чўнг, залворли, тадбирли ота ўрнида бутунлай бошқа кишини ҳам кўришимиз мумкин. «Аслида ўзим бир тоғ эдим, – дейди у. – Шамоллар, буронлар, қор-ёмғирлар-у чақмоқларда тилиниб кетган, тобора уваланиб бораётган бир тоғ... Болаларимга заҳмат етмасин, дея ҳар нега рози бўлардимда».

Бизда ота – ижтимоий фаол шахс, она эса ҳар доим мушфиқ меҳрибон, уй ичкарасида. Даврларга қараб ота қиёфаси ўзгариб турган. Мисол учун, уйғониш йилларида ота билан ўтган асрнинг 50 йилларидаги отани солиштириб кўринг.

Бугуннинг отаси-чи? Энг биринчи бўлиб турмуш зарбасига дуч келадиган ҳам шу, менга не бўлса бўлсин, боламага заҳмат етмасин, деб ўзини ўтга-чўққа урадиган ҳам шу...

Уйлайманки, бу образга авлодлар алмашгани сайин янада аниқроқ мурожаат қилинаверади, ҳар даврнинг ўз образи яратилаверади. Халқимизнинг ғоят ўзига хос бир жиҳати бор, бу ота-онага эҳтиромдир. У шунчалар қувватлики, фахрлиб кетасиз. Мисол учун, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг олти юздан ошқ аззоси бор, барчасининг ижодида онага бағишланган ҳеч бўлмаса, битта асар топасиз. Шундай маҳалларда мен ўз отамни эслаб кетаман. Етти фарзандни улғайтирар экан, етти бўлакка бўлиниб кетган у муҳтарам зот билан жуда гаплашгим келса-да, афсуски, ҳеч иложим йўқ. Ота ҳақидаги ўй-хаёлларни асарга кўчиришдан бошқа илож қолмайди.

Лекин масаланинг бошқа жиҳати ҳам бор: аини замонда ўзимиз ҳам мана шу муборак рутбадамыз, ўғил-қизларимиз эса бўлғуси ота-оналардир. «Ота сўзи – ўқ», дейдилар. Терса, куйдириб юборади. Қаранг, қандай ажойиб қилиб таъриф этилибди.

– Тарихий асарларга ҳам қўл урдингиз...

– Эҳ-ҳе, биз қанақа шоншарафга бурканган халқ эканлигимизни ўзимиз билвермаймиз. Бир қанча минг йиллар аввал Олтойга, ҳозирги Чин ҳудудларига, ундан Европага кишилар шу ҳудудлардан йўлга чиқишган. Адибларимиздан, тарихчиларимиздан ўтинган бўлардимки, адабий тарих ёзилишига ҳам ҳисса қўшсалар. Қаҳрамонларимиз ҳам, мутафаккирларимиз ҳам ҳавас қиладиган даражада кўп ҳамда фахрли. Қайси даврга оид бўлса бўлсин, кишиларни илҳомлантирадиган, келажакка йўллайдиган қудрат не эканини кўрсатадиган асарлар қанча кўп ёзилса, шунча яхши.

Урхун-Энасой ёзувларига

қиқиқмаган зиёли бўлмаса керак. Бир кунининг туркча ва ўзбекча табдилини солиштириб ўзимча ўқиб ўтирганимда, у тил туркчадан кўра бизга яқинроқ экани, кўплаб сўзлар, «қилдимиз», «кўрдимиз», «эттимиз» деган феъллар эса айрим шеваляримизда бугун ҳам борлиги диққатни жалб қилди. Шунда, айниқса, ёшларимиз учун ўқилиши енгил, араб ва форс сўзлари аралашмаган, тоза туркий тилдаги бир асар яратиш фикри тугилди. Бунинг учун олимларимиз, филология фанлари доктори, профессор Қосимжон Содиков ҳамда филология фанлари доктори Қудратилла Омоновдан миннатдорман, туркологиянинг бу икки забардаст мутахассиси ёрдамларини сира аяшмади. Натияжада «Билга Хоқон» асари дунёга келди.

– «Биби Робия қиссаси»чи?

– Бу ҳам ўз тарихимиз. Кунимиздан минг йил аввал Балхда яшган «Зайнул-араб», яъни «Араб зийнати» деб ном олган исёнкор шоира Робия Балхий ҳамда туркий қавмлардан бирининг ўғлини Бектош муҳаббати Фаридуддин Атторнинг, Абдураҳмон Жомийнинг ҳамда Алишер Навоийнинг эътиборини тортган сиймолардан ҳисобланади. Асар яратиш кўннинг ишимиз, деб ўйлаб қоласиз баъзан. Форсий ғазал таржимаси жуда мушкул иш, ушбу асарда қўлланилган ғазаллардан баъзиларини бетакор шоирамиз Нодира Афқова таржима қилиб берган бўлса, ўрни келганида Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол, Самандар Воҳидов таржималаридан ҳам фойдаланилади.

Қисқаси, Робиянинг ўзи каби ўтли, умри қаби қисқа бир асар яратилди. «Жаҳон адабиёти» журналимизда босилиб чиқди.

Тарих ҳақида сўз кетганида шуни таъкидлаш зарур: айни замонда янги тарих ҳам яратилмоқда. Бениҳоя куч-қудратга тўлган замонавий дунёда ўзликини сақлаб қолиш, инсон бўлиб яшаш ҳамда болалар келажакга юракларни зирқиратмоқда. Пул ва бойлик ўйинлари ҳар қачонгидан ҳам кучайган бир пайта, инсон ўзидан қониққан ҳолда яшаб ўтиши учун қандай ҳаёт кечириши керак? Булар ҳар қандай даврда ҳам асар мавзуси бўлиб келган. Тарихимиз, феъл у аворимиз, тушунчаларимиз маълум. Бирон-бир ўзбек кишини ўзлигидан воз кечгиси келмайди, уни эъзозлайди, яхшиям шу халқ орасида тугилган эканман, дейди. Бироқ тушунчаларимиз бизни келажакка қай даражада етаклайди? Ўзбек руҳияти етарли даражада қувватлими? Ҳа десак, унинг қай жиҳатларини ўзимиз учун қанот қилиб олайлик? Йўқ десак, унда қайдан оламыз у куч-қудратни?

Президентимиз ўз маърузаларида тафаккурни ўзгартириш масаласини қайта-қайта таъкидлайди. Ҳа, бугунги турмуш тарзини – ўз тафаккуримизнинг меваси. Кеча у тўлақонли тафаккур эди, бағрида зулмга қарши исён яшарди, шу сабабли ҳам ўзлимизни авайлаб сақлаб, бугунгача олиб келиб берди. Энди бошқача тафаккур керак. Жамиятга, давлатга, воқеликка муносабатимизни бир поғона кўтаришимиз керак. Йўқса, қўзланган манзилларга етиб боролмаймиз. Бу сингари тушунчалар ўзағида ҳам янги, замонавий билимларни эгаллашга даъват этилди.

Яъни, мен англаган ҳикматлардан бири шуки, «Нима эксанг, шуни ўрасан».

Феруза ҚУРБОНОВА
суҳбатлашди.

Ота қалбига бир қулоқ солинг-чи. Юлдуз милтираган тунларда кечиккан боласининг йўлига кўз тикиб ўтирган ота ўйдан нелар кечар экан? Яширин у гавҳарга назар ташласак, чўнг, залворли, тадбирли ота ўрнида бутунлай бошқа кишини ҳам кўришимиз мумкин.

баҳра олади. Ота-она, дўсту ёр ким, ўз ҳолича хулоса чиқаради.

– Асарларингизни ўқиб, шуни кузатиш мумкинки, уларда мифологик, диний, тарихий қарашлар бир бутунлиқда замонавийликни ифодалайди. Айниқса, «Тошкелинчак», «Манзил», «Митти пуштиранг махлуқча», «Юсуф ва Зулайхо», «Ёғоч қовуш», «Биби Салима», «Қорақуш юлдузининг сирин» каби асарларда бу ҳолатларни яққол кузатиш мумкин.

– Бугунги кун кишининг ички дунёсига назар солсак, сиз айтган ҳодисани кўрамыз. Инсон ўзи билан тарихни, бугунги ҳамда келажакни олиб юради. Ҳақиқатан ҳам, бугун кун кечириётган киши ким?

Бу ўзи дунёга келган вақтидан бошлаб шу кунгача бўлган воқеаларни ҳамда ота-онаси, ёши улуғлар сўзлаб берган тарихларни билладиган, жамият ҳодисаларига шохид бўлган, ижтимоий вазиятларнинг гувоҳи бўлаётган инсон. Бироқ унинг дунёқароши шу билангина чегараланиб қолмайди. У ўзи билим олган манбаларига қараб Одам Ато яралганидан тортиб жаҳон урушларига, Ойни забт этган технологиялардан тортиб айтилайди, яна аллақанда ишлардан хабардор киши ҳамда буларнинг барига унинг ўз шахсий муносабати бор. Баъзиларига тўғридан-тўғри, баъзиларига мажозий муносабат билдиради. Шу сабабли, сиз тилга олиб ўтган ҳикояларни бугунги кун кишилари дунёқарошининг айрим жиҳатлари, деса бўлади.

Ҳикоятларсиз бирор халқ яшай олмайдими. Яъни, ёзма адабиётдан ташқари, оғзаки, жамоа адабиёти ҳам бор, у халқ билан бирга

– Мен фақат ўзим билган тиллардаги таржималар ҳақида фикр билдира оламан, лекин бунинг ҳам ўзига хос қийинчиликлари бор, албатта. Мисол учун, филология фанлари доктори Маъруфжон Йўлдошев ҳамда Ҳусайн Оқбош ҳикояларини турк тилига ўғриш жараёнида бир қушчанинг туркча номини узоқ излаганига гувоҳман. Инглиз тилидагиси ҳам шундай. Таржимон Кристофер Форт билан интернет орқали биргалашиб ишладик. Қарангки, таржимон атай АҚШ ҳарбий ҳаво кучларида учувчи бўлиб ишлаган бир кишини топиб, асарда учувчилар орасида бўлиб ўтадиган радиоалоқа бобини кўрсатиб, романдаги ҳарбий учувчиларнинг ўзаро сўзлашувлари ҳақиқатга қанчалар тўғри келишини ёки «Ҳаво-ер» русумли ракетага қайси тур ҳарбий учоқларга осиб мумкинлигига суриштирди. Шу боисдан инглизчасини ҳам қониқарли дея оламан, бироқ айтийлик, немис тилидагисини баҳолаб олмайман, сабаби у тилни билмайман.

– Бугунги ўзбек насридаги ўзгаришларни қандай баҳолайсиз?

– Аввало, баҳолаш деган гап бизнинг чекимизда эмас. Бунинг учун мана-ман, деган забардаст олимларимиз, устозларимиз, қолаверса, халқ бор. Баҳони шулар беради.

Аммо бир қанча жузъий мулоҳазаларни айтиб ўтсам, айб бўлмас. Адабиётда ўзгаришлар муттасил рўй бериб турибди. Ўзбек насри сўст, деб баҳолайдиганлар бор. Бизлар оламшумул муваффақиятларга кўникиб қолдик. Асарлар зўрми-зўрмасми, деявериш ўзимиз ҳам


Бобораҳим МАШРАБ
ЎРТАР

Агар ошиқлигим айтсам, куюб жону жаҳон ўртар,
Бу ишқ сиррин баёт этсам, тақи ул хонумон ўртар.

Кишига ишқ ўтидин заррае етса, бўлур гирён,
Бўлуб бесабру бетокат, юрак-бағри чунон ўртар.

Нечук тоқат қилай, дўстлар, бу дард ила бўлуб ҳайрон,
Ғамим бошқа, алам бошқа, юрагимни фиғон ўртар.

Мени бехонумон тинмай куюб ҳар дам фироқингда,
«Низоро!» деб отинг айтсамки, шавқингдин забон ўртар.

Қаю тил бирла, эй жоно, сенинг васфинг баён айлай,
Тилим лолу кўзум гирён, сўнакларни ниҳон ўртар.

На қаттиғ кун экан, дилбар, висолингдин жудо бўлмоқ,
Менинг оҳим ўтига бул замини осмон ўртар.

Юракда дарду ғам қат-қатки, менда қолмади тоқат,
Агар бу заррасин бул вақт десам, ишқи баён ўртар.

Бу дард ила хароб ўлдум, келиб ҳолимни сўрмасан,
Унум чиқса юракдин, бу тану жон, устихон ўртар.

Бу Машраб дардини, жоноки, ҳеч ким бошига солма,
Агар маҳшарда оҳурсам, биҳишти жовидон ўртар.

ХОҲИ ИНОН, ХОҲИ ИНОНМА

Сенсан севарим, хоҳи инон, хоҳи инонма,
Қондур жигарим, хоҳи инон, хоҳи инонма.

Ғам шони фироқингда кабоб этти фалакни
Оҳи саҳарим, хоҳи инон, хоҳи инонма.

Ногаҳ сари зулфунг сори бўлдум санга мойил,
Эй тожи сарим, хоҳи инон, хоҳи инонма.

Лаълинг ғамидин кўнглум эрур гунча киби қон,
Гулбарги тарим, хоҳи инон, хоҳи инонма.

Заҳри ғами ҳажринг мени ўлдурғали этти,
Эй лабшакарим, хоҳи инон, хоҳи инонма.

Машраб, бўлубон кўйинга чун барқи тажалли,
Қолмай асарим, хоҳи инон, хоҳи инонма.

МЕН НОЛА ҚИЛАЙ ШОМУ САҲАР...

Мен нола қилай шому саҳар дод, эшигингда,
Жонимни берай, шўхи паризод, эшигингда.

Ул лолаву райҳону суман, тоқа қизил гул,
Ҳам сарв букулди, қади шамшод эшигингда.

Хўбони жаҳон бўлса тақи Юсуфи Канъон,
Султонун амир бандаё, озод эшигингда.

Зулфинг сени бу жонима юз доми балодур,
Жоним куши сайд ўлди чу сайёд эшигингда.

Олам бориси лаззати хуснунгни топидур,
Гирёну фиғон, нолаву фарёд эшигингда.

Савдойи муҳаббатга тушубман сени излаб,
Ўлтурди ғаминг, кўзлари жаллод, эшигингда.

Ашким тўқубон ҳажру ғамингда кеча-кундуз,
Вайрона ватан – манзул обод эшигингда.

Ул ҳусну жамолинг ўти Машрабга тушубдур,
Парвона сифат куйди, паризод, эшигингда.

ҲЕЧ КИМА МАЪЛУМ ЭМАС

Ҳеч кима маълум эмас ҳоли паршоним менинг,
Осмонни тийра қилди оху афғоним менинг.


Мен нечун шод этмайин бул хаста кўнлумни бугун,
Келди холимни сўраб ул шўх жононим менинг.

Эй ситамгар, келгилу эмди шаҳид эткил мени,
Мавж урсун Карбало даштида бу қоним менинг.

Чун Сурайё бормусан, афлокдин боломусан,
Бу фалакда кўрмадим, эй кўзи чўлпоним менинг.

Нозу истиғно била кетгил, мени холимни сўр,
Термулиб доим йўлунгда чашми гирёним менинг.

Тобакай жабру ситам бирла юрурсан, эй рафиқ,
Чикти, Машраб, ушбу ғамдин бу азиз жоним менинг.



Ўзбек адабиёти, драматургияси оғир жудоликка учради.
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, «Меҳнат
шухрати» ордени соҳиби, таниқли драматург, Ўзбекистон
Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Шароф Бошбеков оламдан
ўтди.

Шароф Бошбеков 1951 йил 4 январда Самарқанд вилояти
Булунғур туманида туғилган.
«Миллий тикланиш» демократик партияси ва «Миллий
тикланиш» газетаси жамоаси марҳумнинг оила-аъзолари
ва яқинларига таъзия изҳор этади.

Тарих ва тақдир
«ЖОНДАН КЕЧИБ БЎЛСА-ДА, ОБРЎЙИНГНИ САҚЛА...»

Обрў сеҳр-жоду кучига эга. Таёғини бир силкитиб, қудратингизни икки хисса ошириши, таъқибчиларни бир чўқишда қочириши мумкин. Бир мазмундаги ишнинг улуғвор ёки даҳшатли тус олиши тўлиқ ва батамом унинг ижросисининг обрўйига боғлиқ. Қадимги Хитойнинг Вэй подшоҳлигида Ми Цуся исмли сарой амалдори хушмуомала инсон сифатида обрў қозонганди. У ҳукмдорнинг энг севимли ва ишончли мулозимига айланади. Подшоҳликда кимки ҳукмдорнинг аравасидан яширинча фойдаланса, унинг оёқларининг бармоқларини кесиш тўғрисида қонун амалда эди. Ми Цусянинг онаси касал бўлиб қолганида, у ҳукмдор аравасида онасининг хузурига боради. Аравакаш кўз ўнгида ўзини рухсат олган

одамдай тутди. Ҳукмдор бундан хабар топиб, шундай дейди: «Бу, Ми Цуся деганлари қандай бебаҳо ўғил! Онаси учун жиноят қилиб бўлса ҳам, оёғидан айрилишга тайёрлигини қаранг». Яна бир воқеа. Қунлардан бирида Ми Цуся шафтоли еб, ҳукмдор билан мевали боғда сайр қилиб юраркан, кўлидаги шафтолининг ярмини тахт соҳибига узатади. Уни ола туриб, ҳукмдор шундай дейди: «Оғзингни суви оқиб туришига қарамасдан, шафтолининг ярмини менга бердинг. Бу, сен мени қанчалик яхши кўришингни билдириб турибди». Бироқ кейинчалик саройнинг фарзғўй амалдорлари Ми Цуся ичкўра ва шухратпараст, деган миш-миш тарқатишади. Фарзғўйлар унинг номига доғ

туширишга муваффақ бўлишади. Шундан кейин ҳукмдор унинг ҳаракатларини бошқача нуқтаи назардан кўра бошлади. «Бу болакай ўзини худди мендан рухсат олгандай тутиб, аравамда онаси олдиға борганди. Бошқа сафар ўзи еган шафтолининг ярмини менга тутқазди. Мен унинг сарқитига зор эдимми?». Ми Цусянинг ҳукмдор олдида обрўйи бўлган чоғларидаги таҳсинга сазовор ишлари эндиликда жазога лойиқ кўрина бошланди. Хўш, унинг оёқларининг бармоқлари кесилдими? Бу унинг обрўси қанчалик мустаҳкамлигига боғлиқ бўлиб қолган эди.

Роберт Грин. «Ҳокимиятнинг
48 қонун»
Жалолоддин САФОЕВ
таржимаси.

СУДОКУ	4 6		8 7						
	3 7								
	7		1						
	9 2			5					
	7 3			4					
	1	9 3 8							
		9			6				
	6 5	9 8 3							
		8 2 5							


				4					
		2 8			3				
6	1 7		2 5						
4 8 9			2 6						
5					1				
2	5								
		4 3							
8			3 7						
7	9								

				8 5					
		1							
6			3 1	4					
	1 4 9			7					
	5 8								
			5						
3 6 9				1					
				4 6					
2	3								8

ОБУНА – 2022!

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ГАЗЕТАСИГА
2022 ЙИЛ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

Обуна
индекси **158**

**BLACKOUT: ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ
ТИЗИМИДАГИ ЙИРИК УЗИЛИШЛАР**
YUKSALISH
DOIRALAH KAZAKH


25 январь куни Марказий Осиёнинг ягона электр тармоғида йирик авария юз бериши натижасида Ўзбекистоннинг қўллаб-қувватларида, Қирғизистон ва Қозоғистоннинг айрим вилоятларида бир неча соат

мобайнида электр таъминотида узилиш ҳолати кузатилди. Ҳодиса уч мамлакатнинг 40 миллиондан зиёд аҳолисига ўз таъсирини кўрсатди. Бироқ мазкур ҳолат масштаби бўйича дунё электр энергияси тарихида

юз берган ҳалокатларнинг энг йириги эмас. Бундай Blackout'лар ёки узилишлар, одатий ҳолдагидек, авария ёки табиий офатлар натижасида аввал ҳам содир бўлган. Юқоридаги инфографикада улар ҳақида маълумотлар келтирилган.

«МИЛЛИЙ
ТИКЛАНИШ»
ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИНИНГ
ИЖТИМОЙ-
СИЁСИЙ
ГАЗЕТАСИ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Алишер ҚОДИРОВ – кенгаш раиси,

Акмал САИДОВ, Абдулазиз АККУЛОВ, Аброр ПЎЛАТОВ,
Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, Акмал ЖУМАБОВЕВ, Баходир
МАМАТҲОНОВ, Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ, Илхом АБДУЛЛАЕВ,
Иброҳим ҒОФУРОВ, Ирода ДАДАЖОНОВА, Минхожиддин МИРЗО,
Олим ЎСАРОВ, Нодир МУХТОРОВ, Одижон ТОЖИЕВ, Отабек
ЖИЯНБОВЕВ, Озодбек НАЗАРБЕКОВ, Ортиқали ҚОЗОҚОВ, Феруза
МУҲАМЕДЖАНОВА, Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Шерзодхон
ҚУДРАТХЎҶА, Шавкат ШАРИПОВ, Шухратжон АХУНДЖАНОВ.

Бош муҳаррир:
Миродил АБДУРАҲМОНОВ

**ТАҲРИРИЯТ
МАНЗИЛИ:**

Тошкент шаҳри,
Учтепа тумани,
Мақсуд Шайхзода
кўчаси, 1 А-уй.
Газета таҳририят
компьютер
марказида терилди
ва саҳифаланди.

Муаллифлар фикри
таҳририят нуқтани
назаридан фарқ
қилиши мумкин.

Таҳририятга келган хатлар доимий
этиборимизда бўлиб, улар
муаллифларига қайтарилмайди.

Навбатчи муҳаррирлар:

Дониёр ТОШБОВЕВ,
Равшан МАХМУДОВ
Навбатчи:
Вилоятхон ШОДИЕВА
Дизайн гуруҳи:
Маъмуржон ҚУДРАТОВ,
Лазиз МЕЙЛИКОВ,
Фирдавс ҲАМИДУЛЛАЕВ

ТЕЛЕФОНЛАР:

Қабулхона (факс): (71) 232-12-03, +99897 755-10-11

Газета «SHARQ» нашриёти-матбаа акциядорлик компаниясида
чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Газета хафтанинг чоршанба куни чиқади.

Адади – 10 057.
Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Қоғоз бичими: 350x587. Ҳажми: 4 босма табоқ
Буюртма – 116
Боснишга топшириш вақти 21.00.
Топширилди 3:55

Электрон почта:

mtiklanish@bk.ru / mtiklanish@mail.ru

ISSN 2010-7714